

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ-МЕТОДИК МАРКАЗ, ТАРИХ
ИНСТИТУТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КОМИЛОВ ОЙБЕК КАМИЛОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШИ
ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ
(1951-1990 йй.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

УЎК: 94 (575.1)/(626.8+626.81+628.12)

Фан доктори диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук

Content of the abstract of dissertation of doctor of sciences

Комилов Ойбек Камилович

Ўзбекистонда ирригация тизими ривожланиши ва
унинг оқибатлари (1951-1990 йй.)3

Комилов Ойбек Камилович

Развитие ирригационной системы в Узбекистане
и его последствия (1951-1990 гг.).....31

Komilov Oybek Kamilovich

Development of irrigation system in Uzbekistan
and its consequences (1951-1990).....59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....63

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ-МЕТОДИК МАРКАЗ, ТАРИХ
ИНСТИТУТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КОМИЛОВ ОЙБЕК КАМИЛОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШИ
ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ
(1951-1990 йй.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tar12 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетидан бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://ik-tarix.nuu.uz>) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна
Тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор

Обламуродов Наим Халимович
Тарих фанлари доктори

Икромов Раҳим Каримович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ, Тарих институти, Қорақалпоқ ижтимоий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 27.06.2017. Tar.01.04. рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино, 2-қават. Мажлислар зали. Тел.: (99871)227-12-24; факс: (99871)246-53-21, (99871)246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино).

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «__» _____даги ___ - рақамли реестр баённомаси)

А.А. Маврулов

Илмий даражаларни берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.Э. Юнусова

Илмий даражаларни берувчи Илмий кенгаш котиби, т.ф.д.

С.Б. Шадманова

Илмий даражаларни берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д.

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган айни пайтда дунё миқёсида ирригация тизимини интенсив равишда ривожлантириш, сув хўжалигини самарали бошқариш ва суғориш инфраструктурасини такомиллаштириш, деҳқончиликда агротехник тадбирларни қўллаш, суғорма ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича инновацияларни татбиқ этиш, сув ресурсларидан тежамли ва оқилона тарзда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Таъкидлаш жоизки, аграр ва саноат ишлаб чиқариши, ижтимоий ҳаёт ривожланишининг асосини, шубҳасиз, сув хўжалиги тизими ташкил этади. Зеро, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг тараққий этиши бевосита ирригация-мелиорация соҳалари билан узвий боғлиқдир.

Бугунги кунга келиб, жаҳон миқёсида қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларини тадқиқ этиш илмий марказларида суғориш тизими ҳамда мелиорация тарихини ўрганиш бўйича муайян даражада изланишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, XXI асрда Марказий Осиё худуди ижтимоий-иқтисодий ҳаёт жабҳаси учун ҳам қайд этилган тадқиқот иши муҳим аҳамият касб этмоқда. Таъкидлаб ўтилган мавзуга алоқадор бўлган тарихий воқеа-ҳодисаларга қиёсий-таҳлилий жиҳатдан баҳо бериш, унинг минтақавий хусусиятларини аниқлаш, минтақа давлатлари суғориш тизимида амалга оширилган трансформация жараёнларини инобатга олган ҳолда муаммога доир ечимини кутаётган масалаларга эътиборни кучайтириш заруриятини ҳам келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатимиз тарихини холисона ва илмий тарзда тадқиқ этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, ўтмиш тарихига муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Бир қатор тарихий мавзулар сирасида, тарихан шаклланиб келган ирригация тизими ҳамда суғорма деҳқончилик маданияти тарихини назарий-концептуал ёндашув асосида ҳаққоний ўрганишга алоҳида урғу берилмоқда. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича устувор йўналишларида «суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш»¹ каби муҳим вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731-сон «2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – №6 (766) – 70-модда. – Тошкент: Адолат, 2017. – Б.34.

Давлат дастури тўғрисида»ги қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 4 августдаги ПФ-5134-сон «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

XX-XXI аср Марказий Осиё мамлакатлари тарихини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар доирасида Ўзбекистон ирригациясининг совет даври тарихи муаммоларига бағишланган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари, олий таълим муассасалари ва халқаро ташкилотлари, жумладан, Шарқ ва Африка тадқиқотлари мактаби (SOAS) Лондон университети (Англия), БМТ Ижтимоий тараққиёт тадқиқотлари институти (UNRISD) (Швейцария), БМТ Озиқ-овқат ташкилоти ва қишлоқ хўжалиги (FAO) (Италия), Бордо университетининг Ер ресурслари ва Табиат Департаменти (ENSEGID) (Франция), Ғарбий Вашингтон университети Табиатшунослик тадқиқотлари Департаменти (DES) (АҚШ), Россия сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва муҳофаза қилиш илмий-тадқиқот институти (Россия), шунингдек, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (Ўзбекистон) кабиларда олиб борилмоқда.

Дунё миқёсида қишлоқ хўжалиги, суғориш ва мелиорация соҳаларида амалга оширилган изланишлар туфайли Марказий Осиё ирригацияси тарихи бўйича қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: Марказий Осиё минтақасида совет ҳукмронлиги йиллари пахтачилик дастури негизида экин майдонларини суғориш учун гидроиншоотларга асос солиниши, сув тақчиллиги, тупроқнинг ўта, юқори ва такрорий шўрланиши жараёнларини кескинлаштиргани илмий асосланган (United Nations Research Institute for Social Development (UNRISD) (Швейцария); совет даврида республика қишлоқ хўжалигида пахтачилик соҳасининг устувор бўлгани, ирригация-мелиорация ишларининг пахта яккаҳоқимлиги сиёсатида тамомила бўйсундирилгани, унинг инсоният, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига хавф солгани, атроф-муҳитни издан чиқаргани, Ўзбекистонда йирик пахта базасига асос солиниши ва унинг марказ хирмонининг 60 фоизидан ортиқроғини ташкил қилгани, XX асрда Марказий Осиё минтақасидаги 3,5

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://www.soas.ac.uk>; <http://www.unrisd.org>; <http://www.fao.org>; <http://www.u-bordeaux.fr>; <http://www.wvu.edu>; <http://www.wrm.ru>; <http://tiim.uz> ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

млн. га суғориладиган ерлар айнан пахтачиликни жадаллаштиришга йўналтирилгани тарихий манбалар ёрдамида аниқланган (Food and Agriculture Organization of the United Nations (FAO) (Италия); совет аграр сиёсати таъсирида суғориш ишларини ҳукуматнинг пахтачилик дастури асосида тараққий этиши, ҳосилдорликнинг ортиб бориши, бироқ айтилган пайтда бу муваффақиятлар Орол денгизи қуришига сабаб бўлгани, Туркменистонда Қорақум каналининг қурилиши Орол фожиасини жадаллаштиргани, денгиз сатҳининг қарийб 40 фоизга қисқаргани далиллар билан исботланган (Western Washington University, Department of Environmental Studies (DES), (АҚШ); айнан совет тузуми даврида Марказий Осиёда 300 га яқин техник ҳолати қониқарли даражада бўлмаган сув омборларининг барпо этилиши ва улардаги сув захираларидан суғоришда қўлланилиши тупроқнинг минерал хусусиятларини йўқотишига олиб келиши натижасида ҳосилдорликнинг кескин камайганлиги илмий жиҳатдан тасдиғини топган (University of Bordeaux, Франция).

Жаҳон сув ташкилоти (WWO), Халқаро сув ассоциацияси (IWA) ҳамда Марказий Осиё давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштирувчи комиссияси илмий-ахборот маркази (SIC ICWC) томонидан дунё мамлакатлари, хусусан, минтақа ирригацияси тарихига оид қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: Марказий Осиёдаги трансчегаравий сув ресурсларини ҳамкорликда бошқариш, суғориш тизими инфраструктурасини такомиллаштириш; тармоқни интенсив равишда жадаллаштириш бўйича ирригация ва агротехник тадбирлар қўллашни кенгайтириш; минтақада сув хўжалигини самарали бошқариш истиқболлари ва тупроқдаги мавжуд тузларни атроф-муҳитга экстерналь таъсирини таҳлил этиш; Орол денгизи фожиаси тарихий аспекти ва унинг атроф-муҳитни издан чиқариши оқибатлари ҳамда мазкур фалокатнинг Оролбўйи аҳолиси генофонди трансформациясига қилган таъсирини аниқлаш ва уларни бартараф этишга доир амалий чора-тадбирлар, ечимларни ишлаб чиқиш шулар жумласидандир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон ирригацияси тарихига оид тадқиқотларни концептуал-услубий ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда даврий ва муаммовий тамойиллар асосида уч гуруҳга, жумладан, биринчи гуруҳга совет ҳокимияти йилларида чоп этилган нашрлар, иккинчи гуруҳга мустақиллик даврида яратилган тадқиқотлар, учинчи гуруҳга хорижий муаллифлар томонидан нашр қилинган адабиётларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Совет даврида Ўзбекистон ирригацияси тарихига оид дастлабки тадқиқотлар XX асрнинг 20-30-йилларига келиб яратилган³. Уларнинг

³ Тромбачев С.П. Основания для расчета ирригационных систем.-Ташкент, 1919.-69 с.; Шу муаллиф. Орошение и осушение.- Ташкент: Узгиз, 1925.-204 с.; Ризенкамф Г.К. Проблемы орошения Туркестана.- Москва: Госиздат, 1921.-148 с.; Шу муаллиф. К новому проекту орошения Голодной степи. Ч.1. -Ленинград: Главупрводхоз Средней Азии, 1930.- 200 с.; Александров И.Г. Проект орошения Юго-Восточной Ферганы. - Москва: ТЭС,1923. -234 с.; Шу муаллиф. Орошение новых земель в Ташкентском районе.-Москва: ТЭС, 1923. -56 с.; Виноградов Г.И. Ирригация в долине Кашкадарьи. - Ташкент: САНИИРИ, 1935. -100 с.

аксариятида суғориш тизими ҳолати, муаммолари, ўзлаштириш масалалари ҳукмрон коммунистик мафкура руҳидан келиб чиққан ҳолда ёритилган. 1940-йилларга мансуб тарихий адабиётлар ўзида суғориш тармоғида маъмурий-буйруқбозликнинг янада кучайгани ва мафкуравий тазйиқ тўла маънода қарор топганини ақс эттиради. Жумладан, В.Непомнин, М.Яновский, В.Дробовларнинг суғориш тарихига доир асарларида⁴ ирригация каналлари қурилиши масалаларига урғу берилган.

1950-йиллардан эътиборан республикадаги сув хўжалиги қурилиши ва суғорма деҳқончилик ҳолатини тадқиқ этиш жараёни бошланди⁵. 1960-йилларда бир гуруҳ олимларнинг тадқиқотларида⁶ айнан суғориш тизимининг ривожланиши ақс эттирилди.

1970-йиллардан бошлаб республикадаги мелиорация, ерларнинг сифати ва ҳолатини таҳлил қилувчи қатор ишлар⁷ амалга оширилди. Айнан шу даврда суғориш тарихига бағишланган «Ўзбекистон ирригацияси» номли 4 томлик йирик фундаментал асар чоп этилди⁸.

1980-йилларда В.Пославский, Ҳ.Рустамов, И.Тўхтасинов, К.Расулов ва Ш.Мурадуллаевлар суғориш каналлари ҳамда сув омборлари қурилишини ўз хотираларида⁹ ақс эттирди. Шунингдек, бир гуруҳ ижтимоий соҳа вакиллари Орол муаммосига бағишланган мақолалари¹⁰ нашр этилди. Албатта, юқоридаги барча тадқиқотлар совет даврининг ҳукмрон

⁴Непомнин В. Я. К истории ирригации в Узбекистане. -Ташкент: Узпартиздат, 1940. -60 с.; Яновский М. Северный Ферганский канал.-Ташкент: Сельхозгиз, 1940.-30 с.; Дробов В. П. Колхозларни, йўлларни ва ирригация тармоқларини кўкаламзорлаштириш.-Тошкент: Ўздавнашр, 1941. -56 б.

⁵Гражданкина Н.С. Ирригация қурилишларида маҳаллий бинокорлик материаллари.-Тошкент: Ўздавнашр, 1950. -35 б.; Батуринов С.И. Ўзбекистон совет ирригацияси умумхалқ ижоди. -Тошкент: Ўздавнашр, 1955.-186 б.; Абдуллаев Т. Ш. Ирригация қурилишида ер ишлари.-Тошкент: Ўздавнашр, 1957.-82 б.

⁶Нажимов Ф. Н. Ирригация-сувли деҳқончилик негизи: Янги ер устида байроқ.-Тошкент: Ўздавнашр, 1961.-43 б.; Мамедов А.М. Русские ученые и развитие ирригации Средней Азии.-Ташкент: Узбекистан, 1965. -184 с.; Шу муаллиф. Развитие ирригации в Узбекистане.-Ташкент: Фан, 1967.-299 с.; Шу муаллиф. Ирригация и ирригаторы Узбекистана.-Ташкент: Узбекистан, 1971.-192 с.; Джаббаров Н. Развитие орошения в Узбекистане и его перспективы.-Ташкент: Фан, 1968.-88 с.; Абдурахмонова Т. Ўзбекистонда ирригациянинг ривожланиши.-Тошкент: Ўзбекистон, 1972.-37 б.; Шу муаллиф. Замонамиз ирригацияси (Ўзбекистон ирригациясининг бугуни ва эртаси).-Тошкент: Ўзбекистон, 1976.-37 б.; Коржавин Б.Д. Орошение в Узбекистане. -Ташкент: Фан, 1976. -98 с.

⁷Ғофуров А. Ирригация ва мелиорацияни ривожлантиришнинг иқтисодий проблемалари.-Тошкент: Ўзбекистон, 1974.-125 б.; Искандаров И., Раҳимбоев Ф. Ўзбекистонда ирригация ва мелиорациянинг ривожланиши.-Тошкент: Ўзбекистон, 1984.-38 б.; Раҳимбоев Ф.М. Гидротехника иншоотлари ва кишлок хўжалиги мелиорацияси. -Тошкент: Ўқитувчи, 1984.-95 б.; Сапоев К. Мелиорация ишлари самарадорлигини оширайлик // Ўзбекистон кишлок хўжалиги.-Тошкент, 1986.-№2.-Б.6-9; Раззақов А.А. Ўзбекистон мелиорацияси: ўтмиш, бугун, келажак.-Тошкент: Фан, 1988.-48 б.; Носиров Р., Бобоназаров Ф. Мелиорациялаш-ерни яхшилаш демакдир // Ўзбекистон кишлок хўжалиги.-Тошкент, 1989. -№11.-Б.55-56.

⁸Ирригация Узбекистана. В 4-х томах. Т.1. Развитие ирригации в комплексе производительных сил Узбекистана.-Ташкент: Фан, 1975. -351 с.; Ирригация Узбекистана. В 4-х томах. Т.4. Технический прогресс в ирригации.- Ташкент: Фан, 1981.-447 с.

⁹Пославский В.В. Вода для большого поля: (Воспоминания).-Ташкент: Фан, 1986.- 90 с.; Рустамов Ҳ. Ҳаёт саҳифалари.-Тошкент: Меҳнат, 1986.-72 б.; Тўхтасинов И. Бунёдкорлар. -Тошкент: Ўзбекистон, 1989.-70 б.; Расулов К., Мурадуллаев Ш. Главная артерия жемчужной долины. -Ташкент: Меҳнат, 1990.-40 с.

¹⁰Котляков В. Денгизни кутқариш мумкинми? // Совет Ўзбекистони. 1988, 15 апрель; Поплавский В. Орол сувини тиклаш мумкинми? // Ўзбекистон кишлок хўжалиги.-Тошкент, 1988.-№3.-Б.54; Лапкин К.И., Лебедев О.В., Духовный В.А. Сувни тежаш - Оролнинг асосий резерви // Совет Ўзбекистони. 1988, 28 июнь; Комиренко П. Орол ва Оролбўйи билан юзма-юз // Ўзбекистон кишлок хўжалиги.-Тошкент, 1990.-№7.-Б.34-37.

коммунистик мафкурасига бўйсундирилди ва уларнинг аксарияти бирёклама ёндашувлардан келиб чиқиб яратилди.

Истиклолнинг дастлабки йилларидан республикада совет давридаги суғориш тизимига ҳолисона баҳо бериш жараёни бошланди. Хусусан, Т.Алимов ва А.Рафиқовлар¹¹ республикада ирригациянинг кескин тарзда ривожлантирилиши Орол денгизининг қуришига олиб келгани ва бунинг натижасида маҳаллий аҳолининг қизилўнғач раки ва сурункали гастрит касалликларига чалинганини ҳақиқий тарзда баён қилдилар. Шу билан бирга, мазкур даврда масалага советча руҳда ёндашилган тадқиқотлар ҳам учрайди. Н.Очилов¹² республикада ирригация ва мелиорация ишларини 1946-1964 йиллар даврий чегарасида ана шу йўсинда тадқиқ қилган.

Қ.Насритдиновнинг номзодлик диссертацияси ва монографиясида¹³ Ўзбекистондаги ирригация-мелиорация ишларининг 1980-йиллар тарихи ҳамда XIX аср иккинчи - XX асрнинг биринчи ярмида Фарғона водийсининг суғорилиши жараёнлари ўрин олган. Табиийки, муаллифнинг тадқиқотида республика ирригациясининг 1951-1990-йиллардаги ҳолати акс эттирилмаган.

1990-йиллар охирига келиб ва ундан кейинги йилларда глобал характерга молик бўлган Орол муаммосини ҳолисона ва илмий аснода ёритиб берувчи мақолалар¹⁴ эълон қилинди. З.Аширбоева тадқиқоти¹⁵ да совет ҳукуматининг кўчириш сиёсати таъсирида Мирзачўлдаги янги ўзлаштирилган ерларга Андижон ва бошқа вилоятлардан кўчирилган оилалар сонининг ортиб борганлиги бирламчи манбалар ҳамда даврий матбуот материаллари асосида таҳлил қилинган.

XX аср охири - XXI аср бошларида қатор хориж давлатларида Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон суғориш тизимининг совет давридаги тарихи ва замонавий ҳолати, сув танқислиги ва Орол муаммосини тадқиқ этиш жараёни оммалашиб борди. Бу каби масалалар бир қатор муаллифларнинг изланишларидан ҳам алоҳида ўрин олган. Уларнинг ишларида Ўзбекистоннинг совет давридаги ирригацияси тақдири, суғориш мақсад-

¹¹ Алимов Т., Рафиқов А. Экологик хатолик сабоқлари. -Тошкент: Ўзбекистон, 1991.-70 б.

¹² Очилов Н. Ўзбекистонда ирригация-мелиорация ишлари (1946-1964). -Тошкент: Фан, 1991. -104 б.

¹³ Насритдинов Қ.М. Ўзбекистонда ирригация-мелиорация қурилишининг ривожланиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари (1981-1990 йиллар): Тарих фан.номз. ... дисс.- Андижон, 1994.- 147 б.; Шу муаллиф. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихи (XIX аср иккинчи - XX аср биринчи ярми).-Тошкент: Янги аср авлоди, 2009.-223 б.

¹⁴ Гром К. Чернобыль и Арал - общая беда и боль // *Ekologiya xabaromasi*. -Тошкент, 1998.-№5-6.-Б.20-21; Мирзаев С., Разаков Р., Насонов В. Приаралье в XXI века: цветущий оазис или бесплодная пустыня? // *Ekologiya xabaromasi*. -Тошкент, 1999.-№5-6.-Б.13-16; Рафиқов А., Эргашев Ш., Исамухамедова М. Яна Орол ҳақида // *Ekologiya xabaromasi*. -Тошкент, 2000.-№2-3.-Б.55-56; Махмудов Э., Кулқараев А. Проблемы Приаралья в центре внимания ученых // *Ekologiya xabaromasi*. -Тошкент, 2008.-№1.-Б.21-22; Алиханов Б.Б., Аксенова Л.А., Горелкин Н.Н., Франк Л.Г. Экологические индикаторы для оценки воздействия Аральского кризиса // *Ekologiya xabaromasi*. -Тошкент, 2008.-№1.-Б.23-28; Собиров Ў.А. Оролбўйи минтақасининг экологик муаммолари ва унинг оқибатлари // *Ekologiya xabaromasi*. -Тошкент, 2008.-№1.-Б.29-31; Орол муаммоси халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликда ечилиши лозим // *Ekologiya xabaromasi*. -Тошкент, 2008.-№3.-Б.2; Назиров Ф.Г. Влияние последствий Аральского кризиса на здоровье населения // *Ekologiya xabaromasi*. -Тошкент, 2008.-№3.-Б.3-4.

¹⁵ Аширбоева З.К. XIX аср охири – XX аср ўрталарида Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши: Тарих фан. номз...дисс.-Тошкент, 2008. -136 б.

ларида Амударё ва Сирдарё сувларининг меъеридан ортиқ олиниши натижасида Орол денгизи қуришининг тезлашгани, Оролбўйи минтақасида шўрланишнинг йилдан-йилга ортиб борганлиги, натижада турли юқумли касалликларнинг кўпайиши тегишли тарзда изоҳланган¹⁶.

Шу билан бирга, замонавий тадқиқотчилардан Т.Петр, К.Грифин, Ж.Тюрман, Д.Кандиоти, М.Спур, Ф. Хунэй, Х. Селле-Жентон, П. Каустюмер¹⁷ ва бошқаларнинг изланишларида Марказий Осиёдаги йирик сув омборларининг техник ҳолати, уларнинг атроф-муҳитга хавфи, минтақадаги уч йирик дарё - Сирдарё, Амударё ва Зарафшоннинг қишлоқ хўжалиги ҳамда ирригацияни ривожлантиришдаги роли, республиканинг аграр тарихи ва қисман ирригацияси масалаларига ўрин ажратилган. Улар, ўз навбатида совет ҳукуматининг аграр сиёсати, шу асосда суғорма майдонлар ҳажмининг ортиб бориш жараёнлари моҳиятига холис баҳо беришга кўмаклашади. Таъкидлаш жоизки, хориж олимларининг тадқиқотларида XX аср ирригацияси тарихи, совет даврида суғориладиган майдонларнинг пахта яккаҳоқимлиги таъсирида экстенсив кенгайтирилгани объектив тарзда тадқиқ этилган.

Юқорида таъкидланган масалалар моҳиятидан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон ирригациясининг XX аср 50-80-йилларидаги тарихи билан боғлиқ хорижий адабиётларни ўрганиш, уларнинг методологик ёндашувларини холисона тадқиқ этиш замонавий тарих фани олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Қайд этиш лозимки, мавзу тарихшунослиги таҳлили республика ва хорижда амалга оширилган тадқиқотларда 1951-1990 йиллар даврий чегарасида Ўзбекистон суғориш тизими тарихи махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлигини тасдиқлайди. Ушбу йўналишдаги тадқиқотни амалга ошириш долзарб илмий-амалий аҳамиятга моликдир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университетининг Ф-1-32-сон «Ўзбекистон тарихи

¹⁶ Micklin P.P. Desiccation of the Aral Sea: A water management disaster in the Soviet Union // Science, Volume 241.-Washington,1988.-pp.1170-1176.; Шу муаллиф. The Aral Sea Disaster // Annual Review of Earth and Planetary Sciences, Vol. 35. -Chicago, 2007.-pp.47-72; Kurtoğlu I. Ekoloji, çerve kirliliği ve insanlar // Ipek Yolu.-Türkiye, 1995.-№17.-S.9-11; Aral'i kurtalarim! // Ipek Yolu.-Türkiye, 1995.-№17.-S.12-23.; Enger E., Smith B. Environmental Science. A study of Interrelationships. Fifth edition.-USA:The McGraw-Hill Companies, 1995.-432 p.; Бисенов Ж.А. Эколого-экономическое использование и охрана земельных ресурсов в Приаральском регионе: Дисс. ...докт. экон. наук. -Москва, 2000.-418 с.

¹⁷ Petr T. ed. Inland fisheries under the impact of irrigated agriculture: Central Asia. Fisheries Circular.-№894.-Rome: Food and Agriculture Organization of the United Nations, 1995.-62 p.; Шу муаллиф. Inland fishery enhancements.-Rome: Food and Agriculture Organization of the United Nations, 1998.-463 p.; Griffin K. Social Policy and Economic Transformation in Uzbekistan. -Turin: ILO and UNDP, 1996.-172 p.; Thurman J.M.The «Command-Administrative» System in Cotton Farming in Uzbekistan 1920s to present. Indiana University Papers on Inner Asia.-№32.-Bloomington: Indiana University, 1999.-48 p.; Kandyoti D. Agrarian Reform, Gender and Land Rights in Uzbekistan. Programme on Social Policy and Development, Paper №11, Geneva: UNRISD, 2002.-79 p.; Шу муаллиф. Post-Soviet Institutional Design, NGOs and Rural Livelihoods in Uzbekistan.-Geneva: UNRISD, 2004.-28 p.; Spoor M. Agricultural Restructuring and Trends in Rural Inequalities in Central Asia: A Socio-Statistical Survey. Programme on Civil Society and Social Movements.-Geneva: UNRISD, 2004.-46 p.; Rakhmatullaev S., Huneau F., Celle-Jeanton H., Coustumer P., Motelica-Heino M., Bakiev M. Water reservoirs, irrigation and sedimentation in Central Asia: a first-cut assessment for Uzbekistan // Environmental Earth Sciences. Volume 68.-Springer: Berlin Heidelberg, 2013 -pp.985-998.

фанидаги инновацияларни олий таълим тизимига татбиқ этиш» лойиҳаси ҳамда Андижон давлат университети ИТ-8.44-06. - «Ўзбекистоннинг Россия империяси ва совет мустамлакачилиги тарихи», ИТ.8-45-06. - «Ўзбекистон тарихини ўқитишнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари, шунингдек, мазкур университетнинг «2014-2016 йилларда фан докторларини тайёрлаш истиқболли режаси» ҳамда Тарих факультети «Ўзбекистон тарихи» кафедрасининг ИТМ-34.4-08. - «Россия империяси ва совет мустамлакачилиги йилларида Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт (1867-1990 йй.)» мавзусидаги тадқиқотлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 1951-1990 йиллар даврий чегарасида мавзуга оид бирламчи ва тарихий манбалар таҳлили асосида Ўзбекистонда ирригация тизимининг ривожланиши, амалга оширилган суғориш тадбирларининг натижалари ва уларнинг оқибатларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

республиканинг собиқ совет иттифоқининг пахта етиштириш базасига айлантирилиши жараёнининг хусусиятларини ёритиб бериш;

ўзбек халқи менталитетида азалдан деҳқончилик анъаналари чуқур таркиб топганига қарамай, совет ҳукмронлиги даврида республика сув хўжалигининг бошқарув тизимидан маҳаллий миллат вакилларини четлатилганлигини кўрсатиб бериш;

юксак тажрибали муҳандис-гидротехникларнинг маҳаллий миллат вакиллари орасидан етишиб чиққани ва уларнинг Афғонистон, Сурия, Мозамбик каби давлатларнинг ирригация иншоотлари қурилишидаги фаол иштирокини оғзаки тарих материалларига таянган ҳолда илмий муомалага киритиш;

ҳосилдорликни янада кўтариш, пахта майдонларини кенгайтириш ва янги шаҳар-туманларни барпо этиш учун Мирзачўл, Марказий Фарғона, Сурхон-Шеробод, Қарши, Жиззах чўлларининг ўзлаштирилиши, аҳолини бўз ерларга кўчириш сиёсати ҳамда мелиорация ишларида совет давлати амалиётида йўл қўйилган хато ва камчиликларни очиб бериш;

янги ҳудудларни ўзлаштириш сиёсатининг республика урбанизация жараёнларига таъсири масаласини таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда пахтачиликка ихтисослашган совхозларнинг ташкил этилиши ва уларнинг суғориладиган ерларидаги мелиоратив ҳолатни таҳлил қилиш;

тадқиқ этилган даврда гидротехник иншоотларнинг барпо этилиши ва уларнинг экологик муҳитга таъсирини ёритиб бериш;

республикани марказнинг пахта хомашё базасига айлантирилиши Орол фожиасини келтириб чиқарганлигини аниқ фактлар асосида очиб бериш;

илмий хулосаларга таянган ҳолда Ўзбекистондаги суғориш тизимининг замонавий ривожланишига хизмат қилувчи таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини 1951-1990 йиллар даврий чегарасида Ўзбекистонда мавжуд бўлган суғориш тизимининг ҳолати, ривожланиши ҳамда оқибатлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида совет ҳукмронлиги даврида Ўзбекистондаги ирригация тизимининг тарихи, трансформацияси ва у билан боғлиқ бўлган тарихий жараёнлар танланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қиёсий таҳлил (*comparative analysis*), муаммоли-хронологик, объективлик, тузилмавий-тизимли таҳлил, оғзаки тарих (*Oral history*) каби усуллар қўлланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XX аср иккинчи ярмида совет ҳокимиятининг Ўзбекистон ирригация тизимида амалга оширган иккиёқлама сиёсати, унинг суғориш соҳасидаги деформация жараёнларига таъсири холислик тамойили асосида очиб берилган;

суғорма деҳқончилик маданиятининг ўзига хос анъаналарига эга бўлган республиканинг совет давлати ҳукмронлиги йилларида ҳам ирригация ва мелиорация соҳалари учун мутахассис кадрлар тайёрлаб бериш борасида таянч маскан бўлганлиги, шунингдек, маҳаллий муҳандис-гидротехникларнинг Афғонистон, Мозамбик, Сурия каби мамлакатларда кичик сув омборлари (барражлар) қуришдаги иштироки оғзаки тарих (*Oral history*) усули ёрдамида илмий истеъмолга киритилган;

янги ерларни ўзлаштириш ирригация ва ижтимоий ҳаёт соҳаларидаги зиддиятли ҳолатларни келтириб чиқаргани, Марказий Фарғона, Мирзачўл, Сурхон-Шеробод, Қарши, Жиззах даштларидаги кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун республиканинг аҳоли зич ҳудудларидан оилаларнинг кўчириб келтирилиши, унинг урбанизация жараёнлари ҳамда туманлар трансформациясига таъсири асослаб берилган;

XX аср 70-80-йилларидан бошлаб ҳосилдорлик сифатига эътибор берилмасдан, суғорма майдонларнинг экстенсив тарзда ортиши ирригация-мелиорация ишларининг кенгайиши, суғориш тизими конфигурациясининг ўзгариши, суғориладиган ерларнинг яроқсиз ҳолатга келиши ҳамда ҳосилдорликнинг камайишига сабаб бўлганлиги аниқланган;

суғориладиган майдонлардаги ер ости ҳамда сизот (грунт) сувлари сатҳини пасайтириш мақсадида дренаж, канал ҳамда насос станцияларининг барпо этилиши сувнинг табиий мувозанатини бузилишига, сув ресурсларининг танқислиги, экологик ҳолатнинг издан чиқиши ҳамда Оролбўйи генофондига экстернал таъсири тарихий далиллар асосида исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жаҳон мамлакатларининг суғориш тизимида оид замонавий ва интенсив усуллардан фойдаланиш асосида Ўзбекистоннинг 1951-1990 йиллар даврий чегарасидаги ирригация тизими тарихини тадқиқ этишда қўлланилиши мумкин бўлган назарий ҳамда амалий кўрсатмалар, тажрибалар аниқланган;

совет ҳукмронлиги даврида ирригациянинг айнан пахтачиликни ривожлантиришга йўналтирилгани, янги ерлар ўзлаштирилиб, суғориш

майдонларининг экстенсив равишда кенгайиши оқибатида пахта яккаҳоқимлиги сиёсатининг янада кучайиши аниқ далиллар асосида кўрсатиб берилган;

ўрганилаётган даврда Ўзбекистонда кўплаб сув омборлари, йирик каналлар, насос станциялари барпо этилиши натижасида сув танқислиги ва экологиянинг зарарланиши билан боғлиқ муаммоларнинг пайдо бўлганлиги асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда тарих фанида тан олинган ёндашув ва усулларнинг қўлланганлиги, тегишли архив ҳужжатлари ва адабиётлардан фойдаланилгани, уларнинг аксарияти бирламчи манбаларга асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти совет ҳукмронлиги даврида Ўзбекистондаги ирригация тизимининг тарихий-қиёсий, муаммоли-хронологик методлар асосида, объективлик тамойилига таяниб тузилмавий-тизимли таҳлил асосида ёритилгани боис улардан мазкур муаммога оид методологик-услубий ёндашув ва назарий хулосаларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ирригация-мелиорация тарихи, суғорма деҳқончилик маданияти бўйича олий ўқув юртларининг талабалари учун «Сув хўжалиги ва мелиорацияга кириш» ҳамда «Ўзбекистон тарихи» фанлари бўйича ўқув дастурларини қайта шакллантиришга хизмат қилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. 1951-1990 йиллар даврий чегарасида Ўзбекистонда ирригация тизимининг ривожланишига оид ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

совет ҳукуматининг ирригация тизимида амалга оширган сиёсати таъсирида суғориш иншоотларини барпо этиш ривожланиб боргани тўғрисидаги тадқиқот хулосалари ва статистик материаллар, архив ҳужжатлари ҳамда маълумотларидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг «Фарғона водийсининг магистраль каналлари ва гидротехник иншоотлари» деб номланган бўлими жорий архиви жамғармаларини такомиллаштиришда қўлланилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг 2015 йил 10 мартдаги 46/84 - сон маълумотномаси). Сунъий суғориш иншоотларининг барпо этилиши ўз навбатида қишлоқ хўжалиги соҳаси тараққиётига хизмат қилганлиги, унинг натижалари иккиёқлама характерга эга бўлганлигига оид илмий хулосаларни ойдинлаштирган.

совет давлатининг пахта яккаҳоқимлиги сиёсати таъсирида суғориш тизимида доир қўллаган чора-тадбирлари юзасидан олинган илмий натижалардан Ўзбекистон тарихи давлат музейининг 2014 йил 28 декабрдаги

36/1 И/Ч-сонли буйруғига мувофиқ музей экспозицияларининг «Ўзбекистон сув омборлари», «Орол фожиаси» номли бўлимларини қайта шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2016 йил 2 ноябрдаги 3/1255-1338-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг музей экспозицияларига жорий этилиши совет даврида суғориладиган ер майдонларининг экстенсив равишда деярли икки бараварга кенгайтирилгани, йирик ирригация иншоотлари ёрдамида сув тўплаш имкони қўлга киритилгани, Амударё ва Сирдарё сув захираларининг меъёрдан ортиқ олиниши Орол денгизининг ҳалокатини муқаррар қилиб қўйгани ҳамда советларнинг «ирригацияни ривожлантириш - умумхалқ иши» деб ном олган сунъий ғоясини қатъий татбиқ қилиш жараёнида амалга оширилган мажбурлов-буйруқбозлик тадбирлари моҳиятини ҳаққоний тарзда очиқ беришга ҳисса қўшган.

диссертация илмий натижаларидан Ўзбекистон тарихи музейининг «Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш» бўлимини қайта шакллантириш ва маълумотлар билан бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2016 йил 2 ноябрдаги 3/1255-1338-сон маълумотномаси). Қўлланган илмий хулосалар совет ҳукмронлиги даврида Марказий Фарғона, Мирзачўл, Сурхон-Шеробод, Қарши ва Жиззах чўлларини ўзлаштириш мақсадида аҳоли зич ҳудудлардан оилаларнинг кўчириб келтирилиши янги шаҳар ва туманларни барпо этишга туртки бўлганлиги натижасида урбанизация жараёнларининг тараққий этиши бўйича тарихий билимларни кучайтиришга хизмат қилган.

совет ҳукмронлиги даврида Ўзбекистон ирригацияси тарихига доир материаллардан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси «Ўзбекистонда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш» бўлими жорий архивининг «Суғориш тизимида энергетик иншоотлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш» мавзусидаги йиғма жилдини статистик маълумотлар ва манбалар билан бойитишда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 13 декабрдаги 04/30-3902-сон маълумотномаси). Қўлга киритилган ушбу натижалар совет ҳукмронлиги даври тарихини англаш ва янада чуқурроқ тадқиқ этишга ёрдам берган.

совет ҳукмронлиги йилларида табиий сув захираларидан ташқари, республика ирригациясида насос станциялардан фойдаланилиши, улар сонининг йилдан-йилга ортиб борагани, улардан асосан сув чиқмайдиган адир зоналарида барпо этилган пахта экин майдонларини суғоришда қўлланганлиги бўйича жорий этилган илмий натижалардан «Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси» ҳужжатлари ва жамғармаларини статистик маълумотлар билан тўлдиришда фойдаланилган (Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармасининг 2017 йил 2 ноябрдаги 03-22-8407-сон маълумотномаси). Насос станцияларидан фойдаланиб боришнинг ортиши натижасида пахта яккаҳоқимлиги сиёсатининг янада

кучайиши, дарё сувлари ресурсларидан хўжасизларча фойдаланилиши оқибатида сув танқислиги муаммосининг келиб чиқиши билан боғлиқ бўлган масалаларни холисона ёритиб беришга кўмаклашган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Тадқиқот кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Тадқиқотнинг ҳажми 265 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва ўрганиш зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ҳамда амалий аҳамияти очиқ берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Совет ҳукуматининг Ўзбекистондаги аграр сиёсати ва унинг хусусиятлари**» деб номланган биринчи бобда суғориш тизимига доир назарий фикр-мулоҳазалар, шунингдек, совет давлатининг республика ирригация-мелиорация ишларини жадаллаштириш бўйича қўллаган чора-тадбирлари, янги ерларни ўзлаштириш соҳасидаги сиёсати ҳамда унинг оқибатида пахта яккаҳокимлигининг янада кучайиши, суғориладиган майдонлар ҳажмининг кескин ортиб бориши қайд қилинган.

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб тегишли сиёсий ва иқтисодий мақсадларни кўзлаган совет ҳукумати Ўзбекистонда ирригация тизимини ривожлантириш ҳамда мелиорация объектларини барпо этишга доир сиёсатни амалий ҳаётга татбиқ этишни бошлади. Шу боис республикадаги суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш мақсадида қишлоқ хўжалиги ишларини механизациялаш имкониятлари оширилди, кичик суғориш майдонлари йириклаштирилди, суғориш майдонларини текислаш тадбирларини бажаришга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, ирригация-мелиорация соҳаларини ривожлантиришга оид қатор қарорлар қабул қилинди. Жумладан, 1952 йил 13 мартда СССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда суғориш шохобчаларини қайтадан қуриш ва янги суғориш тизимига ўтиш ишларининг бориши тўғрисида»¹⁸ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, республикадаги 1,5 млн га майдонда 570 млн м³ ҳажмида тупроқ ишлари амалга оширилди, Республика Сув хўжалиги вазирлиги тармоғида 24 нафар машина экскаватор станциялари (МЭС) ташкил этилди¹⁹. Шу билан бир қаторда, суғорма майдонларни кенгайтириш масаласи СССР Министрлар Совети ҳамда КПСС МҚнинг 1954 йил феврида қабул қилган қарорида ҳам кўриб чиқилди. Унга мувофиқ республикадаги суғориладиган майдонлар 600 минг га га, жумладан, пахта 300 минг га га кенгайтирилди²⁰. Айнан шу даврдан республикадаги ирригация ва мелиорация ишлари тўлалигича пахта яккаҳокимлигига бўйсундирилди. Бироқ, ўтказилган суғориш ишлари ўз навбатида янги ерларни ўзлаштириш ҳамда пахта ҳосилдорлигини ошириш имконини берди.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (бундан кейин-ЎЗР МДА), Р.837-жамғарма, 38-рўйхат, 3803-йиғма жилд, 234-варақ.

¹⁹ Бегматов И., Мухамедов А. Ўзбекистон ирригацияси тарихи.-Тошкент: ТИМИ, 2008.-Б.106.

²⁰ Игамбердыев Р.С., Раззаков А.А. История мелиорации в Узбекистане (на материалах Голодной степи).-Ташкент: Фан, 1978.-С.96.

1955 - йилдан бошлаб совет давлатида «Табиатни халқ измига бўйсундириш» шиори остида кураш бошланиб, «Суғориш учун манбалардан хоҳлаганча сув олиб ишлатиш мумкин, унинг миқдори чексиз», деган таълимот шаклланди. Бу ҳолатга келиб қолишга совет хукумронлиги даврида суғориш учун кичик ва ўрта ҳажмли майдонларнинг ўзлаштирилгани, завод ва фабрикаларнинг тегишли даражада ривожланмаганлиги сабаб бўлди. Шу билан бирга, саноатнинг тараққий этиши ҳамда аҳоли сонининг кескин ортиши ҳам сув ресурсларини катта ҳажмда ишлатишни талаб қилди. Бироқ, юқорида таъкидланган ҳолатларга деярли эътибор берилмасдан, пахта майдонларидан ялпи ҳосил олиш асосий мақсад қилиб қўйилди. Пахта тайёрлаш режаси маҳаллий шароитлар ҳисобга олинмасдан орттириб борилди. Хусусан, 1956 йили Ўзбекистонда 2 млн. 900 минг тонна пахта етиштирилди, бу эса ўз навбатида 1955 йилга нисбатан 400 минг тоннадан кўпроқ ҳосилни ташкил этди²¹. Республикадаги ирригация тизими пахтачилик соҳаси манфаатларига йўналтирилди. Натижада 1960 йилда суғорма майдонлар ҳажми 2474 минг га га етиб, бу кўрсаткич 1954 йилга нисбатан 274 минг га га ортди²².

1960-йилларда Ўзбекистондаги ирригация ишларини тараққий эттиришга қаратилган совет сиёсати бевосита суғорма майдонларни кенгайтириш жараёни билан боғлиқ бўлди. Етти йилликда (1959-1965 йй.) республика ирригация тизимида йирик қурилиш ишлари, хусусан Фарғона ва Зарафшон водийлари, Хоразм ва Қорақалпоғистондаги суғориладиган 700 минг га майдондаги ерларнинг мелиоратив ҳолатларини зовур тизимлари қуриб яхшилаш йўлга қўйилди, суғорма майдонлар 500 минг га га кенгайтирилди. Таъкидлаш жоизки, советлар вақтида республика раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари, шунингдек, иттифоқ бюджетидан Ўзбекистон ССРга салмоқли инвестициялар киритилиши туфайли 1960-1970-йилларда йирик суғорма деҳқончилиги ривож топди. Бир томондан, бу республикада аҳолининг кўп қисмини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жалб этиш орқали демография ва иш билан таъминлаш муаммосини муайян даражада ҳал этиш имконини берди. Айти пайтда оммавий мелиорациялаш оғир экологик оқибатларга ҳам олиб келди: Орол денгизи тез қурий бошлади, катта ҳудудлар шўрланди ва фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келди²³.

Совет органлари республикада пахтадан олинадиган ялпи ҳосилдорликни орттириш мақсадида ерларга ишлов бериш, уларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича мелиорация тадбирларини амалга ошириш муҳимлигини белгилаб берди. Бу сиёсат ҳосиласи ўлароқ илгари фойдаланилмасдан келинган ерлар ўзлаштирилиб, улар ҳам қишлоқ хўжалиги истеъмолига киритилди. КПСС МҚнинг 1966 йил май пленумининг «Ерларни мелиорациялашни кенг ривожлантириш

²¹ Совет иттифоқи коммунистик партиясининг XX съезди. 1956 йил 14-25 февраль: Стенографик ҳисобот I.-Тошкент: Ўздавнашр, 1957.-Б.204.

²² ЎзР МДА, Р.2483-жамғарма, 1-рўйхат, 345-йиғма жилд, 46-варақ.

²³ Рашидова Г., Комилов Д. Шароф Рашидов: Инсон-давр кўзгусида ва давр-инсон тақдирида.-Тошкент: Тасвир, 2017.-Б.214.

тўғрисида»ги қарорига кўра ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича дастур ишлаб чиқилди²⁴. Ушбу дастур Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасига ҳам бевосита татбиқ этилди.

Ўн биринчи беш йилликда (1981-1985 йй.) амалга оширилган ирригация-мелиорация соҳаларидаги қилинган тадбирлар натижасида 238,6 минг га янги суғориладиган ерлар ўзлаштирилди, 461 минг га ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, 300 минг га суғорма ерлар асосли тарзда текисланди. Шу билан бирга, 4 та янги сув омбори, жумладан, 1900 млн м³ сиғимга эга бўлган Андижон сув омбори фойдаланишга топширилди. Туямўйин гидроузели, Хисорак, Зомин, Оқдарё, Қоровултепа, Оқтепа сув омборларидаги ишлар ниҳоясига етказилди²⁵. Таъкидлаш лозимки, совет ҳокимияти томонидан тизимни жадаллаштириш бўйича амалга оширилган иккиёқлама сиёсат қатор салбий ҳолатларни ҳам келтириб чиқарди. Масалан, коллектор оқавалари туфайли дарёлар сувининг минераллашиш даражаси ортди, натижада республикадаги мелиоратив ҳолат ёмонлашиб, шўр босган ерлар майдони кескин даражада ортди. Ерларнинг мелиорация ҳолатининг бузилиши суғориш соҳасидаги деформация жараёнларини кучайтириб юборди. Экин майдонларининг тузилиши ҳам аввалги даврларга нисбатан анча ўзгариб, республикадаги жами суғорма ерларнинг 75 фоизини пахта майдонлари ташкил этди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида кучайиб борган пахта яккаҳокимлиги бир неча йиллар давомида республикада шаклланган суғориш анъаналари ҳамда алмашлаб экиш тизимини барбод қилди.

Диссертациянинг **«Ўзбекистонда ирригацияни ривожлантириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар ва унинг оқибатлари»** номли иккинчи бобида сув хўжалиги курилишига капитал маблағлар сарфлашнинг ортиб бориши, ирригация соҳасидаги ўрта махсус ва олий маълумотли мутахассис кадрлар тайёрланиши, ўзбек ирригаторларининг тажрибаларидан хорижий мамлакатлар ирригация тизимида фойдаланилиши масалалари очиб берилган.

Совет ҳукмронлиги йилларида Ўзбекистон сув хўжалиги тараққиёти пахтачилик манфаатларидан келиб чиққан ҳолда мустаҳкамланди ва ерларни қайта тайёрлаш ишларига маблағ ажратиш ҳам йил сайин орттириб борилди. Суғориш ишларини жадал ривожлантирмасдан кўзланган ялпи ҳосил олишга эришиб бўлмаслиги сабабли совет органлари суғориш тизимини молиявий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида соҳага капитал маблағлар сарфлашни кенгайтириб борди. Хусусан, мазкур тармоққа 1951 йилда 72,9 млн. рубль сарфланган бўлса, бу кўрсаткич 1953 йилда 82,7 млн. рублни ташкил этди. 1955 йил тупроқ ишларини механизациялаш учун ирригация тизимига 800 та экскаватор, 700 га яқин турли ер кавлайдиган механизмлар, 137 та землесослар жалб қилинди²⁶. Пахтачилик манфаатлари нуқтаи-назаридан

²⁴ Ризаев Г. Социалистическое сельское хозяйство Узбекистана. -Ташкент: Узбекистан, 1978. -С.230.

²⁵ Сапов К. Мелиорация ишлари самарадорлигини оширайлик // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. -Тошкент, 1986. -№2. -Б.6.

²⁶ Ризаев Г. Сельское хозяйство Узбекистана за 40 лет. -Ташкент: Госиздат УзССР, 1957. -С.233.

келиб чиққан ҳолда, суғориш тизимига маблағ сарфлаш кейинги беш йилликларда янада ўсиб борди, агар 1956-1960 йилларда бу тармоққа 402 млн. рубль маблағ сарфланган бўлса, мазкур кўрсаткич 1981-1985 йилларда 6,4 млрд. рублни ташкил этди²⁷. Харажатланган маблағлар республикада қатор гидроиншоотларни эксплуатацияга киритишга имкон берди. Бироқ, сарфланган маблағлардан кўп ҳолатларда унумли ва мақсадли фойдаланилмади. Бунинг натижасида суғориш ҳамда мелиорация тизимида қатор муаммоли ҳолатлар келиб чиқди.

Ўзбекистон Марказий Осиё регионида деҳқончилик маданияти анъаналари бўйича ўзига хос профессионал тажрибага эга бўлган ҳудуд ҳисобланиб, шу сабабли совет ҳуқуқронлиги даврида республикада ирригация-мелиорация соҳалари учун таянч мактаб сифатида янада такомиллашди. 1934 йилда ташкил этилган Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚХММИ) бир неча ўн йиллар давомида айнан шу марказ ролини ўтади. Мазкур институтнинг битирувчилари суғориш ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳаларида самарали меҳнат қилдилар. Хусусан, 1970 йили ТИҚХММИда 8282 нафар талаба таҳсил олиб, бу кўрсаткич 1965 йилга нисбатан 2367 нафар кўпроқни ташкил этди²⁸.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, совет ҳуқуқронлиги даврида институтнинг фаолияти кенг қамровли бўлиб, унда нафақат республика ирригация соҳаси учун, балки хорижий давлатлар учун ҳам юқори малакали мутахассис-кадрлар тайёрлаб берилди. Институтда Монголия, Куба, Вьетнам, Миср, Афғонистон, Гана, Мали, Сомали, Кения, Нигерия, Сурия, Уганда, Яман, Танзания ва бошқа давлатлардан келган ёшлар таҳсил олиб, 1960-1970 йилларда дунёнинг 36 та мамлакати учун 289 нафар мутахассис тайёрлаб берилди²⁹.

Диссертацияда хорижий (Афғонистон, Мозамбик, Сурия) давлатлар ирригация-мелиорация соҳаларида фаолият кўрсатган бир гуруҳ ўзбек муҳандис-гидротехниклари билан бўлган суҳбат-интервьюлар оғзаки тарих (Oral history) ёрдамида олинди ва улар масала моҳиятига ойдинлик киритди.

Асрлар давомида деҳқончилик маданиятини ўзлаштириб, тегишли тажрибага эга бўлган ўзбек халқи нафақат республикада, балки хорижий давлатлар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, у ерларда ирригация - мелиорация ишларини жадаллаштириш жараёнида ҳам самарали меҳнат қилдилар. Ўзбекистонлик ирригатор, гидротехник ва мелиораторлар Эрон, Сурия, Яман, Ироқ, Жазоир, Куба, Монголия, Болгария, Афғонистон каби мамлакатларнинг суғориш ишларини ривожлантиришда техник ва иқтисодий ёрдам кўрсатдилар.

²⁷ Раззоқов А.А. Сув ва ҳаёт. -Тошкент: Меҳнат, 1991.-Б.58.

²⁸ Ирригация Узбекистана в 4-х томах. -Ташкент: Фан, 1975.Т.1. -С.326.

²⁹ Искандаров С.И., Раҳимбоев Ф.М. Ўзбекистонда ирригация ва мелиорациянинг ривожланиши. -Тошкент: Ўзбекистон, 1984.-Б.27.

1950- йилларда совет - афғон муносабатлари совет ҳукумати томонидан ажратилган кредит ҳисобига Афғонистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, қолоқ ҳолатда бўлган ирригация, гидротехника иншоотларини янгилаш ва қуришга йўналтириш билан кенгайди. Бир қатор мутахассислар Афғонистонга ирригация, мелиорация ишларини ривожлантириш учун юборилиб, улардан 250 нафарини ўзбекистонликлар ташкил этди. Иттифок бўйича жами 600 нафар ирригаторлар Афғонистоннинг Нанхаргар вилоятидан ўтган Кобул дарёси бўйидаги Жалолобод суғориш каналини қуришда хизмат қилдилар. Шунингдек, ўзбек муҳандислари Ғазна вилоятидаги Сарде сув омборини қуришда ҳам фаол иштирок этдилар. Ўзбекистонлик мутахассисларнинг ёрдами билан Афғонистонда қурилган ирригация иншоотлари суғориладиган ерларнинг 25 минг га га кўпайишига, бу ерларда йирик механизациялашган «Хадда», «Жумхурият», «Батикот», «Ғозиобод» каби давлат фермаларининг бунёд этилишига кўмак берди. Бу фермалар цитрус, зайтун экинлари, гўшт ва сут маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилди³⁰.

Совет давлатининг пахта етиштириш имконига эга бўлган давлатларга қизиқишини Эрон давлати мисолида ҳам кўриш мумкин эди. 1963 йилда Эрон ва СССР ҳукумати билан тузилган шартнома асосида икки давлат ўртасида иқтисодий ҳамда техникавий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Аракс, Атрек, Тажан каби чегара бўйи дарёлари сувларидан фойдаланиш мақсадида бу дарёларда сув омборлари, тўғонлар, гидротехник иншоотлар ва суғориш каналлари қуриш ишлари олиб борилди. 1970 йилдан Анголанинг Уила вилоятида ўзбекистонлик мутахассислар ёрдамида пахта етиштиришга ихтисослаштирилган йирик хўжаликлар барпо этилди. 1981-1985 йилларга келиб Анголада яна шундай бешта хўжалик барпо этилди. Ўзбекистонлик мутахассислар ёрдамида бу хўжаликларда суғориш иншоотлари ва ирригация тармоқлари қурилди, дизелли насос станциялари ўрнатилди, сув хўжалиги ишлари ва агротехника тадбирлари амалга оширилди. Мутахассислар кўмагида Ангола дарёсидаги «Онга - Занга» давлат хўжалигида 250 га ерга пахта экилиб, пахта ялпи ҳосилдорлиги гектаридан 20 ц.га етди.

Суриянинг Маскене - Алеппо массивидаги ирригация ва сув хўжалиги объектларини қуришда ўзбекистонлик муҳандис-гидротехникларнинг хизмати катта бўлди. Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги вазирлиги томонидан юборилган мутахассислар ёрдамида Маскене массивида 40 минг га ерда давлат хўжаликларини барпо этиш, 17 минг га майдон ерларни ўзлаштириш³¹, 8,5 км магистраль канал ишчи чизмаларини барпо этиш учун қидирув ишларини амалга ошириш, магистраль канал бўйлаб автойўллар қурилиш ишларида муҳандис-техник ходимлар, сув хўжалиги қурилишида бой тажриба ортирган мутахассислар хизмат қилдилар. Оронт дарёси ҳавзасида 100 минг га ерни суғориш ва ўзлаштириш ишлари олиб борилиб, Барада ва Хабур дарёлари ҳавзасида суғориш тизимлари қурилишининг

³⁰ Гафуров А. Ўзбекистон ирригаторлари-чет элда // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. -Тошкент, 1983. -№2. -Б.62.

³¹ Минводхоз УзССР в девятой пятилетке. -Ташкент, 1976. -С.152.

дастлабки лойиҳалари ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳа доирасида Ғарбий-Маскене чўллари ўзлаштирилди.

Яман Араб Республикасида 1960-йилнинг ўрталаридан бошлаб янги ерларни ўзлаштириш ҳамда ирригация ишларини жадаллаштиришда ҳам ўзбекистонлик мутахассисларнинг хизмати катта бўлди. Совет – Яман шартномаси асосида ирригация қурилиши ишларини олиб бориш, қудуқлар қазиш, гидрогеологик ва топографик изланишлар олиб борилди. Бу ерда оқава сувларнинг миқдори анча кам бўлганлиги сабабли ўзбек мутахассисларининг бой тажрибасидан фойдаланиб, ер ости сувлари билан суғориш ишларини янада ривожлантириш ишлари амалга оширилди. 30 та қазилган қудуқ орқали аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имкони яратилди, 1200 га ер суғориладиган майдонга айлантирилиб, пахта, маккажўхори, кунжут, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экила бошлади.

1980 йилда Мозамбик Халқ Республикаси Президентининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида икки давлат ўртасида ҳамкорлик шартномалари имзоланиб, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш мақсадида давлатларaro тажриба алмашиш каби вазифалар белгилаб олинди. Натижада, Ўзбекистондан 9 нафар, мамлакатнинг бошқа ерларидан 29 нафар, жами 38 нафар мутахассис гидротехниклар Мозамбик Халқ Республикаси Нампуло провинциясининг «Мезерепане» давлат хўжалигидаги эксплуатация ва ўзлаштириш ишларида қатнашдилар, хўжалик саванна ва бутазорлардан тозаланиб, ўзлаштирилди ҳамда бу ерда лалми деҳқончиликка мослашган маккажўхори, мандиока ва кейинчалик пахта етиштирила бошланди³².

Умуман, совет давлатининг Ўзбекистонда пахта етиштиришга асосланган сиёсати маҳаллий аҳолининг бой тажрибасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Суғориш анъаналарини яхши билган ўзбек мутахассислари совет ҳукмронлиги даврида хорижий давлатлардаги сув чиқариш, ирригация иншоотлари барпо этиш ҳамда пахтачиликни жадаллаштиришга муҳим ҳисса қўшдилар.

Диссертациянинг «**Республикада янги ерларнинг ўзлаштирилиши ва пахта яккаҳоқимлигининг янада кучайиши**» деб номланган учинчи бобида Мирзачўл, Марказий Фарғона, Сурхон-Шеробод, Қарши, Жиззах чўллариининг ўзлаштирилиши, янги ерларни ўзлаштириш ишларидаги фарқли жиҳатлар, ўзлаштирилган ҳудудларда пахтачиликка ихтисослашган давлат ва жамоа хўжаликлари, йирик шаҳар ҳамда туманларнинг ташкил этилиши жараёни очиб берилган.

XX асрнинг 50-йилларига келиб совет давлати ўз ривожланиш истиқболи ҳамда иқтисодиётнинг пахта хомашёсига бўлган эҳтиёжи нуқтаи- назаридан келиб чиққан ҳолда эътиборини кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришга қаратди. Совет ҳукумати томонидан Ўзбекистон айнан юқорида қайд этилган сиёсат

³² Мазкур интервью ЎзССР Сув хўжалиги вазирлигининг «Главзарубежстрой» ташкилоти томонидан 1981-1983 йилларда Мозамбик Халқ Республикасининг Нампуло провинциясига юборилган Д.Қўлдошевдан (1949 йил 12 июнда Андижон вилояти Пахтаобод шаҳрида туғилган. У 1981 йил сентябрдан то 1983 йил февралигача «Мезерепане» давлат хўжалигида фаолият кўрсатган) ёзиб олинди (20.07.2016).

татбиқ этилиши мумкин бўлган ҳудуд сифатида белгилаб қўйилди. Мазкур сиёсат аввал бошида анъанавий деҳқончилик маданиятига эга бўлган Фарғона водийсига қаратилди. Совет органлари Марказий Фарғона қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришга алоҳида эътибор қаратгани ҳолда ушбу масала КПСС МҚ XIX съезди директиваларида ҳам ўз аксини топди. Тез орада ушбу масала юзасидан марказ кўрсатмасига мувофиқ республика ҳукуматининг Марказий Фарғонадаги янги ерларни ўзлаштиришга оид қарори чиқди³³. 1952 йил 16 ноябрда қабул қилинган ушбу қарорга мувофиқ Марказий Фарғона ҳудудида 65 минг га ерни ўзлаштириш масаласи кун тартибига қўйилди. Шу мақсадда ташкил этилган «Ферганводстрой» трести зиммасига ўзлаштириш жараёни билан боғлиқ асосий масъулият юклатилди. Марказий Фарғона ҳудудида ўзлаштирилган янги ерларда ташкил этилган Бўз, Ёзёвон, Задарё (Мингбулоқ) туманлари айнан пахтачилик соҳасига ихтисослаштирилиб, бу туманларга водийнинг бошқа ерларидан маълум даражадаги аҳоли кўчириб келтирилди. Марказий Фарғона ерларининг ўзлаштирилиши 1973 йилга қадар давом эттирилиб, водийда пахтачилик соҳасининг кенгайишига бевосита туртки бўлиб хизмат қилди.

Бир вақтнинг ўзида совет ҳукумати томонидан Мирзачўл сўнгра Жиззах чўлларида ўзлаштиришга эътибор қаратилди. Мирзачўл ҳудуди муҳим иқтисодий ҳудуд сифатида Ўрта Осиё учун стратегик аҳамиятга молик ҳудуд ролини ўйнар эди. Чўлни ўзлаштиришга эътибор совет давлати томонидан дастлаб 1920-йиллардан бошланган эди. Мазкур жараён XX аср 50-йилларига келиб пахта хомашёси етиштиришни кўпайтириш сиёсати моҳиятидан келиб чиққан ҳолда янгича йўналишда давом этди. 1955 йилдан Мирзачўлни янгидан ўзлаштириш жараёни давом эттирилиб, СССРни иқтисодий ривожлантиришнинг 6-беш йиллик режасида (1956-1960 йй.) чўлни ўзлаштириш ҳисобига пахта экин майдонларини кенгайтириш масаласига алоҳида урғу берилди. Қозоғистон ва Ўзбекистонга қарашли Мирзачўл ҳудудида СССРдаги энг йирик пахтачилик районини ташкил этиш тугал мақсад бўлиб қолди. Шу мақсадда 1956 йил 6 августда КПСС МҚ ва СССР Министрлар Советининг «Пахта етиштиришни кўпайтириш учун Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРдаги Мирзачўлнинг қўриқ ерларини суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди³⁴. Қарорга мувофиқ 1960-йиллар бошларида мазкур ҳудудда 300 минг га қўриқ ерни ўзлаштириш 34 та пахтачиликка ихтисослашган совхозлар ташкил этиш режалаштирилди. Хусусан, мазкур ернинг 200 минг га Ўзбекистон зиммасига тўғри келар эди. Марказ қарорини амалий ҳаётга жорий қилиш мақсадида Ўзбекистон ҳудудидаги Мирзачўл ерларини ўзлаштириш 1956-1975 йилларда 300 минг га дан ортди³⁵.

³³Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архивининг Фарғона вилоят бўлими, 1-жамғарма, 264-рўйхат, 239-йиғма жилд, 35-варақ.

³⁴ Фарғона вилоят давлат архиви, 1124-жамғарма, 7-рўйхат, 713-йиғма жилд, 193-варақ.

³⁵ Эгамбердиев Р., Раззаков А. Ўзбекистонда қўриқ ерларни суғориш, ўзлаштириш ва мелиорациялаш тарихи (Мирзачўл мисолида).-Тошкент: Фан, 1984.-Б.223.

1956 йил октябрда кўриқ ерларни ўзлаштиришга умумий раҳбарлик учун тузилган «Главголодностепстрой» бирлашмаси ташкил қилинди. Ушбу бирлашма кучли бошқарувга эга бўлган тузилма бўлиб, кўриқ ерларни ўзлаштиришга бевосита раҳбарлик қилиб келди. Мирзачўл кўриқ ерларини ўзлаштириш икки босқичда амалга оширилган бўлиб, биринчи босқичда (1956-1961 йй.) ҳудудда магистраль каналлар, коллектор-дренажлар, йирик сув хўжалиги объектларини қуришга эътибор берилди. Иккинчи босқичда (1961-1975 йй.) кўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилиб, уларнинг ирригация-мелиорация ҳолати яхшиланди, пахтачилик совхозлари ташкил этилди, Қайроққум сув омбори, учта йирик канал ишга туширилди.

Таъкидлаш жоизки, Мирзачўлни ўзлаштириш жараёнида бошқа ҳудудлар, хусусан Фарғона водийсидан аҳолини «мажбурий-ихтиёрий» тамойил асносида кўчириб келтириш ишлари бошланди. Хусусан, 1956-1959 йилларнинг ўзида Мирзачўлга 42 мингдан ортиқ оила кўчириб келтирилди. Шу даврда республика маънавий ҳаётида кўриқ ва чўл зоналарини ўзлаштиришга чорловчи ғоявий шиорлар кўтарилди, бу борада турли тадбирлар амалга оширилди, «чўлқуварлик - мардлар иши» ғояси остида оммавий ахборот воситаларида қатор чиқишлар амалга оширилди. Қайд этиш лозимки, кўчиб келган аҳоли учун тегишли маиший хизмат соҳалари, хусусан турар - жой, тиббий, ўқув масканларининг йўқлиги, мавжудлари ҳам мутлақо талабга жавоб бермаслиги кўчиб келганларнинг 40 фоиздан кўпини қайта кўчиб кетишларига сабаб бўлди³⁶. Мирзачўлнинг ўзлаштирилган ерларида Пахтакор, Ильич, Дўстлик, Арнасой, Оқолтин, Меҳнатобод ва бошқа туманлар билан бир қаторда Янгиер, Гулистон, Пахтакор, Дўстлик, Ширин, Бахт каби шаҳарлар барпо этилди. Юқорида таъкидланган ҳолат бевосита урбанизация жараёнларига ҳам таъсир кўрсатганлиги диссертацияда ўз аксини топди.

Қарши даштини ўзлаштириш 1963 йил 7 декабрдан бошланиб, шу мақсадда «Главсредазирсовхозстрой» таркибига кирувчи «Қаршистрой» бошқармаси тузилди³⁷. 1963-1968 йиллар давомида чўлни ўзлаштириш учун кўплаб техникалар келтирилди. Уларнинг ёрдамида 1964 йил узунлиги 77 км, 6 та насос станциясига эга бўлган Қарши магистраль каналининг бош қисми қурилиши бошланиб, бу ердаги суғорма майдонларнинг умумий майдони 848 минг га ни ташкил қилди. 1970 йил 25 июнда КПСС МҚ ва СССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда Қарши чўли ерларини суғориш ва ўзлаштириш бўйича ишларни жадаллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб³⁸, даштда 1980 йилга қадар 700000 га³⁹ ерни ўзлаштириш мўлжалланди. Республикада кенг ҳажмда ўзлаштирилган ҳудудларда шаҳарлар, турар-жой, посёлкалар ва мактаблар ҳам барпо этилди. Жумладан, аҳолини Қарши чўлларига ташкилий равишда кўчиришнинг бутун даври

³⁶ Xushvaqto'v N. Mirzacho'l qanday o'zlashtirilgan? // Tafakkur.-Toshkent, 2012.-B.122.

³⁷ Жалолов Э. Яшнаётган воҳа // Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги.-Тошкент, 1983.-№8.-Б.50.

³⁸ ЎзР МДА, Р.2182-жамғарма, 5-рўйхат, 1268-йиғма жилд, 157-160-варақлар.

³⁹ Халиков И. Борьба трудящихся республик Средней Азии за орошение крупных целинных массивов. - Ташкент: Фан, 1982. -С.36.

мобайнида у ерга 600 та оила кўчиб борган. Таъкидлаш лозимки, бугунги кунга қадар улардан 40 та оила яшаб қолган, холос⁴⁰. Қарши даштининг ўзлаштирилган янги ерларида 6 та янги - Нишон, Усмон Юсупов, Ульянов, Бахористон, Муборак ҳамда Таллимаржон шаҳарлари ташкил қилиниб, уларнинг пайдо бўлиши ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ҳаётига ижобий таъсир кўрсатди.

Мирзачўлни ўзлаштиришнинг тобора кенг тус олиши 1973 йилда яна бир янги - Жиззах вилоятини тузиш имконини берди. Жиззах чўлини ўзлаштириш ишлари 1974 йилда бошлангандан сўнг бу ерга республиканинг кўплаб ҳудудларидан оилалар «мажбурий-ихтиёрий» равишда, хусусан Андижон, Фарғона ва Самарқанд вилоятларидан, Жиззах вилоятининг эски туманларидан 600 дан ортиқроқ чўлқувар оилалар кўчиб келди.

Республикада ўзлаштириш тадбирларининг мунтазам тарзда давом этиши ЎзССР Министрлар Советининг 1977 йил 18 июлдаги «Сурхон-Шеробод чўллари ерини комплекс суғориш ва ўзлаштириш бўйича ишларнинг бориши тўғрисида»ги қарорида ҳам акс этди. Унга кўра, Сурхон-Шеробод чўлларида 81,2 минг га янги ер ўзлаштирилди, мактаблар, мактабгача болалар муассасалари, магазинлар, клублар, ҳаммомлар ва бошқа маданий-маиший объектлари қурилди⁴¹. Кенг ҳажмда амалга оширилган ўзлаштириш тадбирлари республикада пахта яккахокимлигини янада кучайтирди ҳамда унинг нечоғли мураккаб эканлиги «Чўл ўзлаштириш-мардлар иши» каби фуқароларни мажбурий меҳнатга ундовчи шиорлардан ҳам англаш мумкин эди. Ўзлаштирилган майдонлар пахтачиликнинг ривожланиши ва ундан янада кўпроқ ҳосил олишга имкон берди. Чўллари ўзлаштирилган ҳудудларда пахтачилик туманлари ва давлат хўжаликлари, аҳоли турар-жойлари барпо этилди. Таъкидлаш муҳимки, турар-жойларининг бунёд этилиши илгари зич ҳудудларда истиқомат қилган аҳолига қулай имкониятлар яратди. Пахтачиликка ихтисослашган давлат хўжаликлари сонининг ортиб бориши натижасида пахтадан ҳосил олиш ҳажми йилдан-йилга ўсиб борди.

Диссертациянинг тўртинчи боби **«Ирригация иншоотларининг қурилиши ва унинг атроф-муҳитга салбий таъсири»** деб номланган бўлиб, унда сув омборларининг бунёд этилиши ва унинг экологик оқибатлари, шунингдек, каналлар, насос станцияларининг барпо этилиши, сув танқислиги муаммосининг келиб чиқиши масалалари, Орол фожиасининг этилиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари бирламчи манбалар ва тарихий адабиётлар ёрдамида холисона тарзда очиб берилган.

Совет ҳукмронлиги йилларида республикада мавжуд пахта майдонларини суғориш ҳамда сув ресурсларини тўплаш мақсадида гидроиншоот объектлари қуриш ишига жиддий эътибор берилди. Бироқ сув омборларини барпо этишда инсон омили эмас, совет ҳукуматининг пахтачилик соҳаси манфаати устувор бўлди. Ана шу мақсад йўлида кўплаб

⁴⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Тошкент: Ўзбекистон, 2011. -Б.35.

⁴¹ ЎзР МДА, Р.90-жамғарма, 10-рўйхат, 7774-йиғма жилд, 34-варақ.

сув омборлари ва каналлар қурилди. Уларнинг техник ҳолатини яхшилаш бўйича марказдан кўплаб буйруқ ва кўрсатмалар келиб тушди. Хусусан, Республика Сув хўжалиги вазирлигининг 1955 йил 12 февралдаги «Тўдакўл сув омборида вақтинчалик сув чиқариш тизимини қуриш тўғрисида»ги буйруғида сув омборидан 100 млн. м³ сув чиқариш имконига эга бўлган сув ташлагични қуриш вазифаси сув хўжалиги раҳбарларига топширилди⁴². 1957 йилда Яккабоғдарёда Қамашу сув омбори ҳамда 1963 йилда Чимкўрғон сув омбори қурилиши якунланди. Натижада Қашқадарё вилоятида суғориладиган ерларнинг сув билан таъминланиши сезиларли даражада ортди. Агар 1962 йилда Чимкўрғон сув омбори ишга туширилгунига қадар, вилоятда ялпи пахта ҳосили 139 минг т. бўлган бўлса, 1966 йилда бу кўрсаткич 218 минг т. ёки 57 % кўпроқни ташкил қилди⁴³.

Юқорида таъкидланганидек, совет ҳукуматининг республикада сув омборларини қуришдан кўзлаган асосий мақсади сув ресурсларини сақлашни йўлга қўйиш ҳамда ундан асосан пахтачилик манфаати йўлида фойдаланишга қаратилди. Шу боисдан совет директив органларининг сув омборларини барпо этиш бўйича амалга оширган сиёсати йилдан-йилга кенгайиб борди. Хусусан, республикада 1981-1990 йиллардаги ирригация қурилиши туфайли, унда фаолият кўрсатувчи сув омборлари сони 23 тага етди, 15 тасининг қурилиши давом эттирилиб, 6 та сув омборини лойиҳалаштириш ишлари олиб борилди⁴⁴.

Совет ҳукмронлиги йилларида суғориш тизимида ётиқ ва тик дренаж тармоқлари, каналлар ҳамда насос станциялари барпо этилиб, улардан қишлоқ хўжалигида фойдаланилди. Мазкур иншоотларнинг қўлланилиши республикада пахтачиликни тараққий эттиришга кўмаклашди. Шу боис канал ва насос станцияларининг техник созлигини яхшилаш бўйича тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, 1952 йил 12 июлда СССР Пахтачилик вазирлигининг «Катта Фарғона каналини техник жиҳатдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида»ги буйруғига⁴⁵ мувофиқ Катта Фарғона каналининг техник ҳолати яхшиланди ва Фарғона водийсида пахтачилик жадаллаштирилди, 1953 йилда Катта Фарғона канали участкаси Куйганёр тўғонидан Асака джукеригача* ҳамда Жанубий Фарғона каналини тўла тозалаш ишлари бажарилди, каналда сув тўлиб оқди, пахта майдонлари кенгайтирилди. Бироқ, ердаги сизот сувининг кўтарилиши натижасида атрофни қалин шўр босди.

1960-1970-йиллардан бошлаб совет ҳокимиятининг пахтачилик эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида каналлар барпо этиш янада кучайди. Жумладан, 1970 йил 17 февралда Ўзбекистон КП МҚ ва ЎзССР Министрлар Советининг «Аму-Бухоро каналининг иккинчи навбати қурилиши

⁴² ЎзР МДА, Р.2483-жамғарма, 1-рўйхат, 954-йиғма жилд, 38-варақ.

⁴³ Мамедов А. Ирригация и ирригаторы Узбекистана.-Ташкент: Узбекистан, 1971. -С.99.

⁴⁴ Акрамов З.М., Рафиков А.А. Прошлое, настоящее и будущее Аральского моря.-Ташкент: Мехнат, 1989.-С.129.

⁴⁵ Андижон вилоят давлат архиви, 602-жамғарма, 1-рўйхат, 56-йиғма жилд, 39-варақ.

* Джукер немисча сўздан олинган бўлиб босимли сув ўтказгич демакдир.

тўғрисида»⁴⁶ ги қарори қабул қилинди. Аму-Қоракўл канали ва Аму-Бухоро канали биринчи навбатларининг қурилиши учун Амударё ва кичик Зарафшон воҳасидан сув олиб ўтилиши Бухоро, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида суғориладиган ерларнинг сув билан таъминланишини сезиларли даражада ортирди. Канал иккинчи навбатининг фойдаланишга киритилиши пахта етиштиришни 100 минг т.дан оширишга, боғдорчиликдан қўшимча маҳсулот олишга, қишлоқ хўжалиги имкониятларидан ишлаб-чиқаришда тўла фойдаланишга имконият яратди.

XX асрнинг 70-80-йилларидан республика қишлоқ хўжалиги соҳасида экстенсив ривожланиш йўлига урғу берилди. Бунинг натижасида суғориладиган ерлар ҳажми 1950 йилдаги 2276 минг га дан 1986 йилга келиб 4020 минг га гача етди. Суғорма ерлар ҳажмининг ортиши қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш сифат ва самарадорлигига деярли таъсир кўрсатмади. Аксинча, гектардан олинадиган ҳосил миқдори йил сайин пасайиб борди. 1986 йилда такрорий шўрланиш туфайли суғориладиган экин майдонларининг учдан бир қисми зарар кўрди. 70-80-йиллар чегарасида мелиоратив ҳолатнинг ёмонлашгани сабабли қарийб 5 минг га суғориладиган ерлар қишлоқ хўжалик истеъмолидан чиқарилди⁴⁷.

Республикада пахта экин майдонлари 1960 йилдан 1980 йилгача 30 %га қадар ўсиб, унинг ҳажми 1980 йилга келиб 2 млн га ер майдонини ташкил этди. Бунинг натижасида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида пахта яккахукмронлигининг устуворлиги таъминланди. Марказнинг маъмурий-буйруқбозлик услубига асосланган бошқарувнинг сиқуви остида «оқ олтин» деб ном олган пахта хомашёсини ҳар қандай йўл билан ундириш жараёни авж олди⁴⁸.

Совет аграр сиёсати таъсирида табиий сув чиқмайдиган ҳудудларда пахта майдонлари барпо этилиб, уларни суғориш учун насос станциялари қурилди. 1955-1959 йилларда Фарғона водийсида 10 минг га ерга сув берадиган 9 та насос станцияси ишга туширилди⁴⁹. Республикада коллектор-дренаж тармоғининг умумий узунлиги 37 минг км га етди. Сувнинг филтрланиб нобуд бўлишини камайтириш мақсадида етти йил мобайнида (1959-1965 йй.) кам сувли туманларда 545 км каналга бетон қопланди⁵⁰. 1965 йилда ЎзССРнинг суғориш тизимида 2090 нафар насослардан фойдаланилди⁵¹. Бу давр ирригация тизимида насослардан энг кўп фойдаланиш Самарқанд - 400 та, Бухоро -391 та вилоятларининг ҳиссасига тўғри келди.

⁴⁶ ЎзР МДА, Р.2700-жамғарма, 1-рўйхат, 742-йиғма жилд, 167-варак.

⁴⁷ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.-Тошкент: Шарқ, 2000.- Б.554.

⁴⁸ Spoor M. Agricultural Restructuring and Trends in Rural Inequalities in Central Asia: A Socio-Statistical Survey. Programme on Civil Society and Social Movements -Geneva: UNRISD, 2004.-P.6.

⁴⁹ Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи.(Очерклар). Биринчи китоб. Бош муҳаррир: М.Ф.Ваҳобов. - Тошкент: Ўзбекистон, 1969. -Б.75.

⁵⁰ Ирригация и мелиорация - путь к высококим и устойчивым урожаям // Правда Востока, 22 июня 1966 г.

⁵¹ ЎзР МДА, Р.2676-жамғарма, 1-рўйхат, 1010-йиғма жилд, 80-варак.

Бирок, коллектор-дренаж сувларининг ҳавзаларга оқизилиши манбаларнинг минераллашув даражасини орттирди. Ҳар йили коллектор-дренажлардан Амударёга 1-4 грамм минераллашган 3 млрд. м³ сув оқизилди. 1970-1985 йилларда Амударё сувининг минераллашуви икки баробарга кўпайди. Чунки Қарши, Бухоро, Сурхондарё вилоятларидан ҳар секундда 40-60 м³ 18 грамм тузли сув Амударёга оқиб тушди. Сирдарё суви минераллашиб, таркибида 1,29 грамм тузли ҳолат кузатилди⁵². Бунинг оқибатида сувга тамомила боғлиқ бўлган балиқчилик саноатига ҳам путур етди⁵³. Унинг бошқа салбий оқибати эса Оролбўйи минтақаси аҳолисининг касалликлари ўчоғига айлангани, хусусан томоқ саратони энг юқори даражага кўтарилди. Шунингдек, республиканинг шимоли-ғарбий қисмида гўдаклар ўлими юқори чўққига чиқди. Ички сув ҳавзаларининг турли оқава сувлар билан ифлосланиши инсон саломатлигига тегишли таъсир этиб, уларда меъда-ичак касалликлари, вабо эпидемияси, сил, гепатит инфекцияси ва бошқа касалликлар тарқалишига ҳам сабаб бўлган.

ХУЛОСА

Ўзбекистонда ирригация тизими ривожланиши ва унинг оқибатлари тарихининг тадқиқи натижасида қуйидаги хулосалар олинди:

1. XX аср иккинчи ярмидан - 1990-йилгача бўлган даврий чегарада илк маротаба Ўзбекистонда ирригация тизимининг ривожланиши билан боғлиқ жараёнлар замонавий назарий-концептуал ёндашув асносида таҳлил этилди. Тадқиқ этилаётган даврда республикадаги экин майдонларини мунтазам суғориш ва сув захираларини тўплаш мақсадида суғориш каналлари, насос станциялари ва сув омборларини барпо этиш масаласига эътибор қаратилди. Мазкур иншоотларнинг бунёд этилиши республика иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатиши билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги соҳасида пахта яккахокимлигини янада мустаҳкамлаш ҳамда марказни пахта хомашёси билан мунтазам таъминлаш ишига бевосита хизмат қилди.

2. Совет ҳукмронлиги йилларида суғориш тизимини ривожлантириш ишига тегишли мақсад боис жиддий эътибор билан қаралди. Тадқиқ этилаётган даврда суғориладиган майдонларнинг ҳажми экстенсив равишда қарийб икки баробарга кенгайтирилди. Бу эса ўз навбатида ортикча маблағ ва ишчи кучини талаб қилар эди. Натижада суғориладиган майдонлардан олинадиган ҳосил миқдори йилдан-йилга пасайиб, кўп ҳолларда улар яроқсиз ва ташландиқ ҳолатга келиб қолди, бу ҳолат мазкур ерларнинг қишлоқ хўжалигидаги истеъмолдан чиқиб кетишига сабаб бўлди.

3. Совет ҳукуматининг Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги пахта яккахокимлигига урғу берган сиёсати асрлар давомида анъанавий тарзда шаклланиб келган суғорма деҳқончилик соҳасининг барбод бўлишига олиб

⁵² Юсупов Э., Зиядуллаев С. Аралу жить! Приарально-развиваться // Правда Востока, 7 июля 1987 г.

⁵³ Enger E., Smith B. Environmental Science. A study of Interrelationships. Fifth edition. -USA: The McGraw-Hill Companies, 1995.-P.311.

келди. Натижада республика суғорма ерларининг деярли 75 фоизига пахта экилди. Бу эса республика иқтисодий ҳаётида кўплаб салбий иллатларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Республика иқтисодиётида пахтачиликка эътибор берилиши, маҳаллий аҳолининг бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари, хусусан, озуқа, полиз, бошоқли, мева ва сабзавотга бўлган эҳтиёжини кучайтирди.

4. XX асрнинг 60-йилларида совет давлати республикадаги сув хўжалиги қурилиш ишларига капитал маблағлар сарфлашни орттириб борди. Шу мақсадда соҳани тараққий эттириш учун давлат бюджетидан беш йиллик режалар асосида катта ҳажмдаги маблағлар ажратилди ва сарфланди. Барча ҳудудларда кенг кўламдаги капитал текислаш ва таъмирлаш, тупроқ ва темир-бетон ҳамда реконструкция ишлари олиб борилди. Ажратилган маблағлардан кўп ҳолларда мақсадли, тўлақонли равишда фойдаланилмади. Аксарият тарзда улар ҳатто ўзлаштирилмай ҳам қолиб кетди.

5. Тадқиқ этилган даврда ирригация-мелиорация соҳалари учун ўрта махсус ва олий маълумотли кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам тегишли эътибор қаратилди. Мазкур даврда республика сув хўжалиги соҳада қатор малакали мутахассислар тайёрланди. Шу билан бирга, сув хўжалиги соҳаси идораларининг раҳбар кадрлари таркибида республика суғорма деҳқончилик анъаналаридан беҳабар, унга нисбатан лоқайд шахслар ҳам фаолият кўрсатди. Бу кадрларнинг маҳаллий ва табиий шарт-шароитдан тегишли даражада маълумотга эга бўлмаганлиги ушбу тизимда қатор муаммоларни келтириб чиқаришга сабаб бўлди.

6. Совет ҳукмронлиги даврида Сув хўжалиги вазирлигининг «Главзарубежстрой» ташкилоти томонидан Ўзбекистондан бир гуруҳ ирригатор-мелиоратор мутахассислар Афғонистон, Сурия, Мозамбик каби давлатларнинг суғориш ва ўзлаштириш ишлари учун сафарбар қилинди. Бу эса ўзбек халқининг асрлар давомида суғориш соҳасида етук билим, тажриба ва малака тўплагани ҳамда суғорма деҳқончилик маданиятини яхши англаганидан далолат берарди. Шу боис ўзбек ирригаторлари, айниқса, Афғонистон ҳамда Мозамбикдаги кенг ҳажмли янги ерларни ўзлаштириш ва барраж (кичик сув омбори) қуриш жараёнига яқиндан кўмак бердилар.

7. XX асрнинг 60-70-йилларида нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё ҳудудида кенг кўламда кўриқ, бўз ва қаровсиз ерларни ўзлаштириш ишлари амалга оширилди. Пахта ҳосилдорлигини кўпайтириш, янги шаҳар ва туманлар барпо этиш мақсадида Мирзачўл, Марказий Фарғона, Сурхон-Шеробод, Қарши ва Жиззах кўриқ ерларини ўзлаштиришга катта аҳамият берилди. Янги ўзлаштирилган ерларда турар-жой ва посёлкаларнинг барпо этилиши зич ҳудудлардан кўчирилган аҳоли яшаш шароитини ўзгаришига олиб келди. Ўзлаштириш тадбирлари урбанизация жараёнларига ҳам таъсир кўрсатди.

8. Ўзлаштирилган ҳудудларнинг кўплаб ҳолларда самара бермаслиги ва ҳатто зарарланишига қарамай пахта майдонлари кенгайтирилди. Экин майдонларининг гидроиншоотлар сув захиралари орқали суғорилиши

ҳосилдорликни кескин камайишига сабаб бўлди. Янги ташкил этилган баъзи ҳудудларда шўрланган майдонлар ҳажми йил сайин кенгая борди.

9. Янги ерларда пахтакор туман ва давлат хўжалиқларининг ташкил қилиниши натижасида марказга пахта етиштириб бериш йилдан-йилга ортиб борди. Бироқ ерларга ишлов бериш ва уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларига тегишли даражада эътибор берилмади. Баъзи ер майдонларига мелиоратив ишлов берилиши мутлақо талаб даражасида бўлмади.

10. Совет ҳукмронлиги йилларида кўплаб йирик ирригация иншоотлари барпо этилди, доимий фойдаланишга топширилган мазкур йирик объектлар сувни сақлаш, тўплашга имконият яратди. Бироқ тиндирилган сув ресурсларидан пахтачиликда фойдаланилиши суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашувига ва улардан ҳосил олишнинг камайишига олиб келди. Мазкур гидроиншоотларнинг экологик оқибатлари ҳам инobatга олинмади, улар меъёридан ортиқ равишда кўпайтирилди, натижада ўша ҳудудларда суғорма майдонларининг зарарланиши яққол намоён бўлди.

11. XX асрнинг 80-йилларида республикадаги каналлар ва насос станцияларининг сув захираларидан биринчи навбатда илгари сув чиқмайдиган адир зоналарда жойлашган қумлоқ ва тошлоқ ерларда барпо этилган пахта далаларини суғоришда фойдаланилди. Бу ерларни суғориш учун дарё ва кўллардаги сув захираларидан оқилона фойдаланилмаслиги натижасида сув танқислиги муаммоси келиб чиқди. Шунингдек, баъзи бир ҳудудлардаги насос станциялари техник носоз ҳолда бўлиб, уларни таъмирлаш ишларига беписандлик билан қаралди. Бу эса пахта майдонларининг сувсизликдан қуришига, ўша ерларнинг суғориш истеъмолидан чиқиб кетишига сабаб бўлди.

12. Сув ресурсларидан фойдаланишда муайян илмий ёндашувларнинг мавжуд эмаслиги, суғоришда йўл кўйилган кўплаб кўпол хато ва камчиликлар, пахта экин майдонларининг назоратсиз суғорилиши оқибатида Орол денгизи қуриши, суғорма деҳқончиликка путур етиши, алмашлаб экиш тизимининг барбод бўлиши, унумдор ерлар мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви, истеъмолдан чиқиши, шўрланиш даражасининг ортиб боришига олиб келди. Заҳарли кимёвий воситаларнинг назоратсиз равишда қўлланиши атроф-муҳит ва экология, сув манбалари, айниқса, аҳоли саломатлигига салбий даражада таъсир кўрсатди.

Олиб борилган тадқиқот якунида қўлга киритилган илмий хулосалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклиф ва тавсиялар билдирилди:

совет ҳукмронлиги йилларида Ўзбекистонда гидротехника иншоотларининг кўплаб қурилиши, уларнинг асосан республика пахтачилик соҳасини юксалтиришга хизмат қилганлиги, унинг замирида эса пахта яккаҳоқимлиги сиёсати ётганини ўсиб келаётган келажак авлодга кенг тушунтириш ва уларни мазкур воқеа-ҳодисалардан чуқурроқ хабардор қилиш мақсадида янги дарслик ва монографиялар чоп этишни ташкил қилиш;

сув ресурсларининг тақчиллиги тобора ортиб бораётганлигини инобатга олган ҳолда Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёлар сувларидан оқилона фойдаланиш, мавжуд йирик гидроиншоотларнинг техник ҳолати самарадорлигини яхшилаш, хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг атроф-муҳит ҳамда аҳоли ҳаётига салбий таъсирини камайтиришга йўналтирилган беш томонлама шартномалар тузиш ва уларни амалда қўллаш;

сув ҳаёт манбаи эканини эътиборда тутиб, бугунги кунда унинг захираларидан оқилона ва самарали фойдаланишни йўлга қўйиш ҳамда томчилатиб суғориш усулини барча минтақа мамлакатларининг қишлоқ хўжалиги соҳасига жорий этиш мақсадида нуфузли халқаро ташкилотлар ташаббуси остида ўзаро келишувлар ишлаб чиқиш ва имзолаш;

ичимлик суви танқислигининг олдини олиш ва у билан боғлиқ бўлган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда бартараф этиш бўйича Марказий Осиё Сув хўжалиги комиссиясини (МОСХК) ташкил қилиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.27.06.2017. Tar.01.04 ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА, КООРДИНАЦИОННО-МЕТОДИЧЕСКОМ ЦЕНТРЕ
ПО ВОПРОСАМ НОВЕЙШЕЙ ИСТОРИИ УЗБЕКИСТАНА,
ИНСТИТУТЕ ИСТОРИИ, КАРАКАЛПАКСКОМ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

КОМИЛОВ ОЙБЕК КАМИЛОВИЧ

**РАЗВИТИЕ ИРРИГАЦИОННОЙ СИСТЕМЫ В УЗБЕКИСТАНЕ
И ЕГО ПОСЛЕДСТВИЯ
(1951-1990 гг.)**

07.00.01-История Узбекистана

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ ДИССЕРТАЦИИ (DSc)
ПО ИСТОРИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2017

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.1.DSc/Tar12.

Диссертация выполнена в Андижанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (<http://ik-tarix.nuu.uz>) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziynet.uz).

Научный консультант:	Муртазаева Рахбар Хамидовна доктор исторических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Эргашева Юлдуз Алимовна доктор исторических наук, профессор
	Обламуродов Наим Халимович доктор исторических наук
	Икрамов Рахим Каримович доктор технических наук, профессор
Ведущая организация:	Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

Защита диссертации состоится « » «_____» 2017 года в _____ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.27.06.2017. Tar.01.04 при Национальном университете Узбекистана, Координационно-методическом центре по вопросам новейшей истории Узбекистана, Институте истории, Каракалпакском научно-исследовательском институте гуманитарных наук (Адрес: 100174, город Ташкент, улица Университет, 4. Главное здание, 2 этаж, зал заседаний. Тел.: (99871)227-12-24; факс: (99871)246-53-21; (99871)246-02-24; e-mail: pauka@nuu.uz Национальный университет Узбекистана).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрировано за №____). (Адрес: 100174, г. Ташкент, улица Университет, 4. Главное здание).

Автореферат диссертации разослан «____» _____ 2017 года.
(реестр протокола рассылки №_____ от «____» _____ 2017 года)

А.А.Маврулов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.и.н., профессор

Х.Э.Юнусова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.и.н.

С.Б.Шадманова

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.и.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время, когда во всем мире активно развиваются процессы глобализации, интенсивное развитие ирригационных систем, эффективное управление водными ресурсами и совершенствование ирригационной инфраструктуры, применение агротехнических мероприятий в сельском хозяйстве, внедрение инноваций по улучшению мелиорации орошаемых земель, рациональное и бережное использование водных ресурсов приобретает важное значение. Следует отметить, что водное хозяйство, несомненно, составляет основу аграрного и промышленного производства, развития общественной жизни, так как, развитие сельского хозяйства и экономики непосредственно связано с сферами ирригации и мелиорации.

В настоящее время в научных центрах исследования областей сельского и водного хозяйства ведутся в определённой степени научные исследования по изучению ирригационной системы и истории мелиорации. Вместе с тем, данное исследование имеет большое значение для перспективного развития социально-экономической жизни в регионе Центральной Азии в XXI веке. Возникает особая необходимость усилить внимание к вопросам, ожидающим своего решения, относящимся к данной проблеме, учитывая процессы сравнительно-аналитической оценки исторических событий, касающихся вышеупомянутой темы, определения ее региональных особенностей, трансформаций, осуществленных в системе ирригационной системы стран региона.

После обретения независимости в Узбекистане особое внимание стало уделяться объективным научным исследованиям истории нашей страны, и отношение к прошлому коренным образом изменилось. Среди исторических тем пристальное внимание уделяется справедливому изучению истории оросительных систем и истории культуры орошаемого земледелия на основе теоретико-концептуального подхода. В особенности, в приоритетных направлениях по модернизации и интенсивному развитию сельского хозяйства, определенных в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 гг., определены такие задачи, как «Улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель, развитие сети мелиоративных и ирригационных объектов, широкое внедрение в сельскохозяйственное производство интенсивных методов, прежде всего, современных агротехнологий, водосберегающих ресурсов, использование высокопроизводительной сельскохозяйственной техники»¹.

Настоящая диссертация в определенной степени служит реализации задач, установленных Постановлением Президента Республики Узбекистан от 18 января 2017 года ПП-№2731 «О Государственной программе развития Приаральского региона в 2017-2021 гг.», Указом от 7 февраля 2017 года

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – №6 (766) – статья 70. – Ташкент: Адолат, 2017. - С.232.

УП-№4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», а также Указом от 4 августа 2017 года №УП-5134 «О мерах по коренному совершенствованию деятельности Министерства сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан».

Соответствие исследования приоритетным направлениям в развитии науки и технологии республики. Настоящее исследование выполнено в рамках приоритетного направления I «Духовно-нравственное, культурное развитие демократического, и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации². В рамках изучения истории стран Центральной Азии XX-XXI вв. ведущими научно-исследовательскими центрами мира, высшими учебными заведениями и международными организациями проводятся различные исследования, посвященные вопросам истории ирригации в Узбекистане советского периода. Среди них Школа Восточных и Африканских исследований (SOAS), Лондонский университет (Англия), Научно-исследовательский институт ООН, социального развития (UNRISD) (Швейцария), Продовольственная и сельскохозяйственная организация ООН (FAO) (Италия), Высшая национальная школа земных ресурсов, инженерии и устойчивого развития (ENSEGID) (Франция), Факультет изучения окружающей среды Западного Вашингтонского университета (DES) (США), Российский научно-исследовательский институт комплексного использования и охраны водных ресурсов (Россия), а также Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (Узбекистан).

В результате исследований отраслей сельского хозяйства, мелиорации и орошения, проводимых на мировом уровне по истории ирригации Центральной Азии, были получены следующие научные достижения: в частности, научно обосновано, что в Центральной Азии в годы советской власти строительство гидросооружений для орошения посевных площадей на основе хлопководства обостряло процессы нехватки воды, приводило к сильному повторному засолению почвы (United Nations Research Institute for Social Development (UNRISD) (Швейцария); при советской власти хлопководство стало приоритетным направлением в сельском хозяйстве республики. Все ирригационные и мелиоративные мероприятия были организованы в рамках политики монокультуры хлопка, в результате эти мероприятия создали угрозу не только здоровью и жизни человека, но и флоре и фауне, внося дисбаланс в окружающую среду. В Узбекистане была создана крупная хлопковая база, более 60% хлопка выращивалось из централизованного урожая. В XX веке в Центральной Азии 3,5 млн. га орошаемых земель были отведены для ускоренного развития хлопководства. (Food and Agriculture Organization of the United Nations (FAO) (Италия);

²Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации подготовлен по <http://www.soas.ac.uk>; <http://www.unrisd.org>; <http://www.fao.org>; <http://www.u-bordeaux.fr>; <http://www.wvu.edu>; <http://www.wrm.ru>; <http://tiim.uz> и другим источникам.

научно обосновано, что в рамках советской аграрной политики большие оросительные работы осуществлялись в строгом соответствии с государственной хлопковой программой, урожайность ежегодно повышалась в соответствии с планом. В то же время эти мероприятия привели к гибели Аральского моря. Отмечено, что строительство Каракумского канала ускорило экологическую катастрофу, понизив уровень Арала на 40%. (Western Washington University, Department of Environmental Studies (DES), (США); определено, что на территории Центральной Азии именно в советский период было построено около 300 водохранилищ с неудовлетворительным техническим состоянием, использование данных запасов воды в орошении привело к уменьшению минеральных свойств земель и резкому снижению плодородности почвы (University of Bordeaux, Франция).

Со стороны Организации мировой воды (WWO), Международной водной ассоциации (IWA), научно-информационного центра межгосударственной координационной комиссии Центральной Азии (SIC ICWC) ведутся исследования в ряде приоритетных направлений, касающихся истории ирригации мировых стран, в частности, региона: в их число входят разработки решений таких практических комплексных мер, как совместное управление трансграничными водными ресурсами Центральной Азии, совершенствование инфраструктуры системы орошения; широкое применения ирригационных и агротехнических мер по интенсификации сети; анализ перспектив эффективного управления водным хозяйством в регионе и экстерналию (внешнего) влияния, существующей соли в почве; определение исторических аспектов катастрофы Аральского моря и последствий вывода из строя его экологической среды, а также влияния данной катастрофы трансформациям генофонда населения Приаралья и их устранение.

Степень изученности проблемы. Изучив исследования, относящиеся к истории ирригации Узбекистана, считаем целесообразным разделить их на три группы, исходя из концептуально-методических подходов, на основе принципов проблемности. К первой группе относятся издания, опубликованные в советский период. Ко второй группе относятся исследования, созданные в период независимости, к третьей научная литература, опубликованная со стороны зарубежных авторов.

Самые ранние исследования по истории ирригации Узбекистана были проведены в начале 20-х – 30-х годов XX века³. В данных работах состояние оросительной системы, вопросы развития и проблемы освещались односторонне в интересах советской власти. В последующие годы были изданы научные работы, посвященные непосредственно истории развития

